



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 2/3



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-2/3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Boymurodov Botir Panji o'g'li NORMA IJODKORLIGI JARAYONIDA FUQAROLAR ISHTIROKI TASNIFI.....	5
2. Khurramova Adolat Bakhodir kizi EXPERIMENTAL LEGAL REGIMES IN THE DIGITALIZATION OF LAW.....	13
3. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li XORIJIIY MAMLAKATLARDA ISLOM MOLIYA HUQUQIGA DOIR QONUNCHILIK EVOLUTSIYASI.....	18
4. Абдуллаев Джамшид Джамилович МЕДИЦИНСКАЯ ПОМОЩЬ И МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ: ПРАВОВЫЕ РАЗЛИЧИЯ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ.....	25
5. Алимарданова Ирода Воҳид қизи ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН АСАРЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШ.....	32
6. Зокиров Шерзод Илхом ўғли ПРОКУРОР – МУХТАСИБНИНГ ПРОТОТИПИ СИФАТИДА (ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МИСОЛИДА).....	39
7. Abzalova Khurshida Mirziyatovna TIME OF COMMITTING A CRIME AND THE RETROACTIVE EFFECT OF THE LAW IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	47
8. Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли АЙРИМ МАСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ОБЪЕКТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	53
9. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich BA'ZI XORIJIIY MAMLAKATLAR JINOYAT QONUNCHILIGIDA RETSIDIV JINOYATLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	60
10. Shamsidinov Zayniddin Ziyovidinovich CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS OF RECEIVING A BRIBE IN FOREIGN LEGISLATION.....	72
11. Суннатов Воҳид Тошмуродович МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	79
12. Баракайев Лазизжон Отақулович ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ.....	86




12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Баракайев Лазизжон Отакулович,
 Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
 Тошкент, Ўзбекистон
 юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
 E-mail: proacademyresearch@yahoo.com

ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

For citation: Barakaev Lazizjon Otakulovich. ANALYSIS OF PROBLEMS RELATED TO THE APPOINTMENT AND CONDUCT OF ECONOMIC EXPERTISE. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 2/3, pp. 79-98

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14950676>

АННОТАЦИЯ

Мақолада иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ муаммолар ҳар томонлама таҳлил қилинган. Тадқиқотда иқтисодий экспертизаларнинг ягона таснифи мавжуд эмаслиги, экспертиза тайинлашда субъективизм, экспертларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги, зарур ҳужжатларнинг етарли даражада тақдим этилмаслиги, методикаларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, экспертлар мустақиллиги, муддатлар, хулосалар сифати каби долзарб муаммолар ўрганилган. Шунингдек, экспертиза хулосаларини баҳолаш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, экспертиза объектларини сақлаш ва халқаро тажрибани қўллаш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда экспертиза ўтказиш жараёнини такомиллаштириш, экспертларнинг малакасини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Мақолада келтирилган муаммоларни ҳал этиш йўллари иқтисодий экспертизаларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга, умуман олганда эса иқтисодий жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот натижалари суд-тергов амалиётини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: иқтисодий экспертиза, экспертиза тайинлаш, экспертиза ўтказиш, эксперт хулосаси, методика, замонавий технологиялар.

Баракайев Лазизжон Отакулович,
 Правоохранительная академия Республики Узбекистан
 Ташкент, Узбекистан
 доктор философии по юридическим наукам (PhD)
 E-mail: proacademyresearch@yahoo.com

АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ, СВЯЗАННЫХ С НАЗНАЧЕНИЕМ И ПРОВЕДЕНИЕМ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЭКСПЕРТИЗ

АННОТАЦИЯ

В статье всесторонне проанализированы проблемы, связанные с назначением и проведением экономических экспертиз. В исследовании изучены такие актуальные проблемы, как отсутствие единой классификации экономических экспертиз, субъективизм при назначении экспертизы, недостаточный опыт экспертов, неполное предоставление необходимых документов, неполная разработанность методик, независимость экспертов, сроки и качество заключений. Также проанализированы вопросы оценки экспертных заключений, использования современных технологий, хранения объектов экспертизы и применения международного опыта. В исследовании выдвинуты предложения по совершенствованию процесса проведения экспертизы, повышению квалификации экспертов, внедрению современных технологий. Предложенные в статье пути решения проблем служат повышению качества и эффективности экономических экспертиз, а в целом – повышению эффективности борьбы с экономическими преступлениями. Результаты исследования имеют важное значение для совершенствования судебно-следственной практики.

Ключевые слова: экономическая экспертиза, назначение экспертизы, проведение экспертизы, экспертное заключение, методика, современные технологии.

Barakaev Lazizjon Otakulovich,
Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan, PhD in Law
E-mail: proacademyresearch@yahoo.com

ANALYSIS OF PROBLEMS RELATED TO THE APPOINTMENT AND CONDUCT OF ECONOMIC EXPERTISE

ANNOTATION

The article comprehensively analyzes the problems associated with the appointment and conduct of economic expertise. The study examines such pressing issues as the lack of a unified classification of economic expertise, subjectivity in appointing expertise, insufficient expert experience, incomplete provision of necessary documents, underdeveloped methodologies, expert independence, timing, and quality of conclusions. The issues of evaluating expert opinions, using modern technologies, storing expertise objects, and applying international experience are also analyzed. The research puts forward proposals for improving the expertise process, enhancing expert qualifications, and implementing modern technologies. The solutions to problems proposed in the article serve to improve the quality and effectiveness of economic expertise, and overall - to increase the effectiveness of combating economic crimes. The research results are of significant importance for improving judicial and investigative practice.

Keywords: economic expertise, appointment of expertise, conducting expertise, expert conclusion, methodology, modern technologies.

Кириш

Бизга маълумки, жиноят суд ишларини юритишда иқтисодий масалалар бўйича иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларини аниқлаш зарурияти юзага келганда ва буни иқтисодиёт соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса олиш орқали амалга ошириш мумкин бўлганда суд-иқтисодий экспертиза тайинланади. Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жиноят процессида муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ, амалиётда мазкур соҳада бир қатор муаммолар юзага келади. Қуйида иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ асосий муаммоларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Биринчи навбатда, иқтисодий экспертизаларнинг ягона таснифи мавжуд эмаслиги муаммоси диққатга сазовордир. З.И. Сағитдинованинг фикрича, ҳозирги кунда иқтисодий

экспертизаларнинг умумийтироф этилган ягона таснифи мавжуд эмас, бу эса экспертиза тайинлашда типик хатоларга олиб келмоқда [1, С. 133-137]. Бизнингча, мазкур ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиддий қийинчиликларни юзага келтиради. Сабаби, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда судлар томонидан жиноят ишлари бўйича иқтисодий экспертизанинг қайси турини тайинлаш борасида тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сон қарори билан Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизалари турларининг рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга кўра иқтисодий экспертиза гуруҳига кирувчи суд-солиқ экспертизаси, суд-бухгалтерия экспертизаси, суд-молия-кредит экспертизаси, меҳнат иқтисодиёти суд экспертизаси, суд-режали-иқтисодиёт экспертизаси, суд-иқтисодий-статистик экспертизаси, ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси каби экспертиза турлари белгиланган.

Бирок, иқтисодий экспертизаларнинг барча турлари ва шакллари қамраб олган иқтисодий экспертизаларнинг таснифи мавжуд эмас. Шу боис, иқтисодий экспертизаларнинг барча турларини қамраб олувчи ягона таснифни ишлаб чиқиш ва уни қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Р.Туримбетов, М.Каландарова ва Н.Қурбонов каби муаллифлар ҳам мазкур фикрларни қўллаб-қувватлаб, суд-иқтисодий экспертизанинг турларга бўлиниши иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши курашишда иқтисодий билимлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш, тергов ҳамда суд органлари ходимларининг иқтисодий жиноятларни очишга хизмат қилишини қайд этишган [2, С. 103]. Мазкур фикрлар ҳам биз томонимиздан илгари сурилган ғояларни тасдиқлаб турибди.

Иккинчи муҳим муаммо сифатида экспертиза тайинлашда мансабдор шахсларнинг экспертиза олдида қўйиладиган саволларни шакллантиришда субъектив муносабатда бўлиши ва ўзига фойдали бўлган саволларни қўйишга интилишини кўрсатиш мумкин. В.М. Абросимова ва бошқа бир гуруҳ олимларнинг қайд этишича, бу омил кўпинча тарафлардан бирининг “заиф” позицияда қолишига олиб келади [3, С. 1583-1589].

Фикримизча, мазкур масала ҳақиқатдан ҳам долзарб ҳисобланади. Зеро, экспертиза тайинлашда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суд эксперт олдида фақатгина бир тараф – айблов ёки ҳимоя тарафининг манфаатларини ифода этувчи саволларни қўйиши жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари кафолати бўлган тортишувчанлик принципига, хусусан ишлари бўйича далилларнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилишига салбий таъсир кўрсатади. Бизнингча, ушбу муаммони ҳал қилиш учун экспертиза тайинлашда мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг маслаҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мутахассислар ваколатли мансабдор шахсларга савол рўйхатини тўғри шакллантиришга ёрдам бериб, барча тарафлар тенг шароитда бўлишини таъминлаш кўмаклашишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, судьяга жиноят иши бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишга кўмаклашади. Айрим муаллифлар ҳам суд-иқтисодий экспертизаларини иқтисодиёт соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган, суд-иқтисодий эксперти мутахассислиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтган шахслар ҳамда иқтисодчи мутахассислиги малакасига эга бўлган шахсларни ишга жалб этиш лозимлигини қайд этишган [4, С. 384].

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишдаги яна бир муаммо бу экспертларнинг етарли тажриба ва кўникмаларга эга эмаслигида намоён бўлади. Э.Ф. Быкованинг таъкидлашича, экспертларнинг махсус билимлари ва тажрибаси етарли бўлмаслиги экспертиза тадқиқотлари жараёнида хатоларга йўл қўйилишига олиб келади [5, С. 133-137]. Экспертларнинг ушбу йўналишда етарли тажриба ва кўникмаларга эга эмаслиги ушбу соҳанинг ниҳоятда кенг эканлиги билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу ҳолат экспертларнинг иқтисодий соҳани тартибга солувчи қонунчилик нормаларини етарли даражада билмаслиги, амалга ошириладиган молиявий операциялар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслигига ҳам сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида ёш мутахассислар учун мажбурий вебинарлар ва курслар ташкил этиш лозим. Шу билан бирга, ёш мутахассисларни устоз-шоғирд анъанаси орқали менторларга бириктириш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Бу уларга кўп йиллик стажга эга экспертларнинг амалиётдан келиб чиқиб, ўз билимлар базасини кенгайтириш имконини беради.

Шунингдек, экспертлар муассасаси ичида яхши кўрсаткичларга эга бўлган экспертларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ яна бир муҳим муаммо – бу экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш учун аҳамиятли маълумотларни, ҳужжатларни ва материалларнинг етарли даражада тақдим этилмаслиги ёки яроқсиз ҳолда тақдим этилишидир. Д.С. Гольцев ва Д.А. Пименованинг таъкидлашича, тергов амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда экспертиза учун юборилган материаллар уларга қўйиладиган талабларга жавоб бермайди [6, С. 144-147].

Бизнингча, бу муаммонинг асосий сабабларидан бири терговга қадар текширувчини амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг иқтисодиёт соҳасида етарли билимга эга эмаслигидир. Иқтисодий билимларга эга бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими учун бухгалтерия ҳужжатларини таҳлил қилиш ва улардан жиноят аломатларини аниқлаш анча мураккаб вазифадир.

Хусусан, С.К.Халмухамедова тўғри қайд этганидек, иқтисодий экспертиза кенг қамровли ва тўлиқ ўтказилиши учун эксперт иқтисодий кўрсаткичларни ўзида акс эттирувчи тадқиқот объектлари – манбалар билан етарли даражада таъминланиши муҳим аҳамиятга эга [7].

Бизнинг фикримизча ҳам иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи шахслар содир этилган жиноятлар бўйича амалга оширилган операцияларни белгиланган тартибда ҳужжатлаштиришни амалга оширмайдилар. Қўпол қилиб айтганда, ушбу соҳа вакиллари ўзлари билган ва муҳим санамаган ҳолатлар бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришни лозим топмайдилар ёки “бўлаверади” қабилида “ишни битирадилар”. Бироқ, иш ҳолатларини акс эттирувчи ёки томонлар позициясини тасдиқловчи манбалар мавжуд эмаслиги экспертнинг тадқиқоти доирасида тадқиқот предметини аниқлашга қаратилган ишларни ўтказиш имкониятларини чеклайди.

Шунингдек, суд-тергов амалиётида иқтисодий экспертиза тайинлашда текширувчи амалга оширувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида иқтисодий камчиликлар аниқланиши, уларга нисбатан қўшимча солиқлар, молиявий жарималар ва санкциялар, етказилган зарарлар суммасининг ҳисобланиш тартиби, аниқланган камчиликларнинг батафсил баёни келтирилмаслиги ва ўтказилган текширув давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг экспертиза тадқиқоти учун тақдим этилмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни ўзида акс эттирган ахборотларнинг эксперт илтимосномасига асосан экспертиза тайинлаган орган (шахс) томонидан тақдим этилмаслиги ёки етарли даражада тақдим этилмаслиги, эксперт олдида қўйилган масалалар юзасидан қатъий хулоса бериш даражасини камайтириши ёки умуман тадқиқот ўтказиш имконини бермаслигига олиб келиши мумкин [7].

Жиноят-процессуал кодексининг 175, 182-моддаларига мувофиқ экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда текшириш объектлари жумладан экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги, эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар, эксперт олдида қўйилган саволлар ва бошқа маълумотлар кўрсатилади ҳамда қарор (ажрим) билан бирга текшириш объектларини, зарур ҳолларда эса жиноят ишини ҳам суд-экспертиза муассасасига юборади.

Шу сабабли ҳам, жиноят иши доирасида иқтисодий экспертиза имкониятларидан унумли фойдаланиш учун суд-иқтисодий экспертиза тайинлаган орган (шахс) томонидан

экспертиза ўтказиш учун аҳамиятга эга бўлган материаллар масъулият билан пухта ва тўлақонли тайёрланиши лозим.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг иқтисодий билимларини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, иқтисодий жиноятлар бўйича экспертиза тайинлашдан олдин мутахассис иштирокида ҳужжатларни дастлабки текширувдан ўтказиш амалиётини жорий этиш ҳам мазкур муаммонинг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Соҳага оид яна бир муҳим муаммо – бу иқтисодий экспертизаларни ўтказиш методикаларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқдир. Л.П. Климовичнинг фикрича, суд-экспертиза муассасаларида намунавий ва ягона стандартлаштирилган методикаларнинг, ягона норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги иқтисодий экспертизалар ўтказишнинг амалдаги норматив асосларининг мукамал эмаслигидан далолат беради [9, С. 120].

Бу муаммо иқтисодиёт соҳасидаги билимларнинг жуда кенг қамровли эканлиги, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ниҳоятда кўп эканлиги билан изоҳланади. Чунки иқтисодий соҳасидаги жиноятларни содир этилишида тобора янги механизмларнинг қўлланилиши барча масалаларни ҳал этиш тартибини белгиловчи ягона услубиёт яратиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Бу эса, янги вужудга келган иқтисодий жиноятлар бўйича зарур билим ва тажрибаларни тўплашга ҳам, ягона услубиёт ишлаб чиқишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, экспертиза олдига қўйилган масалалар юзасидан ўтказилаётган тадқиқот жараёнида масаланинг ечими иқтисодий билимлар билан бир қаторда, ҳуқуқий масалаларнинг ҳал этилиши билан ёки иқтисодий соҳадан бошқа бўлган соҳадаги мутахассисларнинг махсус билимлари қўлланилишини тақозо этувчи саволларни ҳал этилишига боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар комплекс тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.

Бундан ташқари, иқтисодий экспертизаларни ўтказиш жараёнини автоматлаштирилган тарзда йўлга қўйиш имкони йўқ. Аниқроқ айтганда, мазкур тадқиқот турини ўтказишда эксперт олдига қўйилган масалалар лабораторияда махсус ускуналар ёки ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида аниқланадиган кўрсаткичлар билан ҳал этилмайди. Балки, эксперт томонидан иш ҳолатлари, тадқиқот объектлари ва эксперт олдига қўйилган масалани тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларини ўрганган ҳолда, ишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб ўтказилган тадқиқотдан сўнг эксперт томонидан унинг ички ишончи ва экспертлик фаолиятининг асосий принципларига таянган ҳолда берилган иқтисодий баҳо натижаси сифатида шакллантирилади. Бу эса, ўз навбатида, эксперт томонидан ўтказиладиган ҳар бир иқтисодий экспертизанинг илмий ва услубий жиҳатдан алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишни талаб қилади.

Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун иқтисодий экспертизаларнинг барча турлари бўйича батафсил услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур. Бу қўлланмаларда экспертиза объектлари, уларни текшириш усуллари, хулоса тузиш тартиби каби масалалар батафсил ёритилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишда илмий тадқиқотларни кучайтириш, тадқиқотлар ўтказишда янги инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ яна бир муаммо – бу экспертларнинг мустақиллиги масаласидир. А.А. Савицкийнинг қайд этишича, айрим ҳолларда экспертлар тергов органлари ёки судларнинг таъсирига тушиб қолмоқда, бу эса уларнинг ҳолиселигига путур етказмоқда [10, С. 493].

Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун экспертларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириш, хусусан,

экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, унинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликни аниқ белгилаб қўйиш керак.

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнида юзага келадиган яна бир муҳим муаммо экспертиза ўтказиш муддатлари билан боғлиқдир. Э.В. Печерица ва М.А. Григоренконинг таъкидлашича, экспертиза ўтказиш муддатлари кўпинча асосиз равишда чўзилиб кетади, бу эса жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш муддатларининг бузилишига олиб келади [11, С. 87]. Ҳақиқатдан ҳам, бу муаммонинг асосий сабабларидан бири – давлат суд-эксперт муассасаларининг иш юклагаси юқориликдир. Айниқса, мураккаб иқтисодий экспертизалар ўтказиш учун кўп вақт талаб этилади. Бундан ташқари, экспертиза учун зарур ҳужжатлар ва материалларнинг ўз вақтида тақдим этилмаслиги ҳам муддатларнинг чўзилишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш;

– малакали экспертлар сонини кўпайтириш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш;

– экспертиза тайинлаш тартибини такомиллаштириш, зарур ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича терговчи ва суриштирувчиларнинг масъулиятини ошириш;

– иқтисодий экспертизаларнинг айрим турларини ўтказиш учун хусусий эксперт ташкилотларини жалб этиш амалиётини кенгайтириш.

Жиноят-процессуал кодекси 329-моддасининг иккинчи қисмига асосан терговга қадар текширув босқичида амалга ошириш мумкин бўлган тергов ва процессуал ҳаракатлар белгиланган бўлиб, мазкур босқичда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш ҳам мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, жиноят-процессуал қонунчиликда терговга қадар текширув муддатларининг қисқа эканлиги ушбу босқичда экспертиза имкониятларидан фойдаланишни чеклаб қўймоқда.

Тадқиқотчи Б.Мўминов ҳам жиноят ишини қўзғатиш босқичида иқтисодий экспертизалар тайинланиши мумкин эканлигини, бироқ иқтисодий экспертизалар ўтказиш учун катта ҳажмдаги материаллар ва узоқ муддат талаб қилиниши сабабли амалиётда терговга қадар текширув босқичида улар камдан-кам ҳолларда тайинланишини қайд этишган [12, С. 14].

Шунга кўра, терговга қадар текширув босқичида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ушбу босқичда ҳам мутахассиснинг фикрини олиш тартибини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Б.Мўминов ҳам мазкур таклифларни қўллаб-қувватлаб, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида мутахассис ҳулосасини олиш мумкинлигини белгилаш иқтисодий жиноятлар бўйича хабарларни тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш имконини беришини қайд этган. Айбланувчи ва ҳимоячига ҳам мутахассис ҳулосасини тергов ва судга тақдим қилиш ҳуқуқи берилиши кейинчалик тергов ва суд жараёнида ҳулоса берган мутахассисни сўроқ қилиш орқали текшириш, яъни ЖПК 25-моддасида белгиланган судда ишларни юритишда тортишув принципини таъминлаш имконини беради [13, С. 81-83].

Мутахассис фикрини олиш терговга қадар текширув ва терговнинг илк босқичларида жиноят ҳақида ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш муддатининг қатъий чегараланганлиги қисқа муддатларда қарор қабул қилиш имконини беради.

Яна бир долзарб муаммо – бу иқтисодий экспертиза ҳулосаларининг сифати масаласидир. В.Н. Чайка ва Т.К. Антонованинг фикрича, айрим ҳолларда эксперт ҳулосалари етарлича асосланмаган, тўлиқ ва объектив бўлмайди [14, С. 65-69].

Бизнингча, бу муаммонинг асосий сабаблари қуйидагиларда акс этади:

– экспертларнинг айрим ҳолларда етарли малакага эга эмаслиги;

– экспертиза ўтказиш методикаларининг такомиллашмаганлиги;

- эксперт олдига қўйилган саволларнинг ноаниқ ва нотўғри шакллантирилганлиги;
- экспертиза учун тақдим этилган материалларнинг тўлиқ эмаслиги.

Фикримизча, ушбу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқ:

- экспертларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, уларни мунтазам равишда аттестациядан ўтказиб туриш;
- иқтисодий экспертизалар ўтказиш методикаларини такомиллаштириш, янги инновацион усулларни жорий этиш;
- экспертиза тайинлашда мутахассисларнинг маслаҳатларидан фойдаланиш, саволларни тўғри шакллантиришга эътибор қаратиш;
- экспертиза учун зарур материалларни тўлиқ тўплаш ва тақдим этиш бўйича терговчи ва суриштирувчиларнинг масъулиятини ошириш.

Юқорида келтирилган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бироқ, бу соҳадаги ислохотлар комплекс равишда, босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ яна бир долзарб масала – бу экспертиза хулосаларини баҳолаш муаммосидир. Хусусан, А.А. Савицкийнинг фикрича, кўпинча терговчи ва судьялар эксперт хулосасини тўғридан-тўғри исбот қилинган далил сифатида қабул қиладилар ҳамда уни танқидий баҳоламайдилар [15, С. 495].

Бизнингча, мазкур фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки амалиётда терговчи ва судьялар томонидан эксперт хулосаларини синчковлик билан ўрганиш ҳоллари ҳам учрайди. Бироқ, шуни тан олиш керакки, иқтисодий экспертиза хулосаларини баҳолашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва судьялар баъзан қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бунинг асосий сабаби уларнинг кўпчилиги иқтисодиёт соҳасида чуқур билимга эга эмаслигидир.

Бу ҳолат жиноят процессига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, айрим ҳолларда асосиз ёки нотўғри эксперт хулосалари асосида айблов хулосалари тузилади ёки ҳукмлар чиқарилади, эксперт хулосасидаги камчиликлар ўз вақтида аниқланмаслиги такрорий ёки қўшимча экспертизалар тайинланишига олиб келади.

Шунингдек, эксперт хулосасини тўғри талқин қила олмаслик оқибатида айбсиз шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги чораларни кўриш лозим:

- терговчи, суриштирувчи ва судьяларнинг иқтисодий билимларини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш;
- эксперт хулосаларини баҳолаш бўйича батафсил услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;
- мураккаб иқтисодий экспертиза хулосаларини баҳолашда мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланиш амалиётини кенг жорий этиш;
- эксперт хулосаларини баҳолаш натижалари бўйича терговчи ва судьяларнинг асосланган қарорлар қабул қилишларини таъминлаш.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекси 187-моддасининг иккинчи қисмида эксперт хулосасининг ваколатли мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд) учун муқаррар далилий кучга эга эмаслиги ҳамда уларнинг хулосага қўшилиш ёки қўшилмаслик масаласини ҳал қилишлари белгилаб қўйилган. Яъни экспертнинг хулосаси далил манбаи бўлса-да, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий ҳисобга олинадиган далил ҳисобланмайди. Шу билан бирга, эксперт хулосасини баҳолашда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишдаги тўпланган далиллар билан бирга, унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо берадилар [16]. Бунда, эксперт хулосаси илмий асосланганлик ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлик бўйича баҳоланади.

А.А.Зулфукоров ҳам эксперт хулосасини иш бўйича энг муҳим далиллардан бири ҳисобланишини ҳамда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья томонидан ҳамма далиллар

каби баҳоланишини таъкидлаб ўтган [17, С. 115-122]. Г.Набиев ҳам эксперт хулосаси баҳоланда Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасида кўрсатилган расмий қоидаларни ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайди [8, С. 189-195]. Мазкур муаллифнинг фикрлари билан келишган ҳолда айтиш мумкинки, мазкур нормада эксперт хулосасини баҳолаш субъектлари ҳамда уларни баҳоланда ҳисобга олинадиган ҳолатлар белгиланган. Ушбу баҳолаш мезонлари эксперт хулосасининг мақбуллигини аниқлашда ҳамда иш бўйича процессуал қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Соҳага оид яна бир муҳим масала иқтисодий экспертизалар ўтказишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммосидир. Е.Р. Россинская ва Е.И. Галяшина таъкидлаганидек, ҳозирги кунда кўпгина иқтисодий жиноятлар компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда, бу эса экспертлардан янги билим ва кўникмаларни талаб қилмоқда [18, С. 134]. Мазкур фикрлар билан тўлиқ келишиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, рақамли технологиялар ривожланиши билан иқтисодий жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Масалан, криптовалюталар билан боғлиқ фирибгарликлар, кибер хужумлар орқали банк ҳисобрақамларидан пул ўғирлаш каби жиноятлар. Бу эса ўз навбатида иқтисодий экспертизаларни ўтказишда янги ёндашувларни талаб қилмоқда.

Бироқ, амалиётда кўпгина экспертлар замонавий технологиялар билан боғлиқ иқтисодий жиноятларни текширишга тайёр эмаслар. Бу ҳолат айрим мураккаб иқтисодий жиноятлар тўлиқ фош этилмай қолишига, экспертиза муддатлари асоссиз равишда чўзилиб кетишига, нотўғри ёки асоссиз эксперт хулосалари тузилишига сабаб бўлади. Бизнингча, мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чораларни кўриш зарур:

- экспертларни замонавий ахборот технологиялари бўйича мунтазам равишда ўқитиб бориш;
- суд-экспертиза муассасаларини замонавий компьютер техникаси ва дастурий таъминот билан жиҳозлаш;
- рақамли далилларни текшириш бўйича янги методикалар ишлаб чиқиш;
- зарур ҳолларда IT соҳаси мутахассисларини экспертизага жалб қилиш амалиётини кенгайтириш.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнида ҳали ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, қонунчиликни такомиллаштириш, экспертларнинг малакасини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш талаб этилади. Фақат шундагина иқтисодий экспертизалар жиноят процессида ўзининг муҳим ролини тўлиқ бажара олади.

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги яна бир муҳим муаммо экспертиза объектларини сақлаш ва уларнинг бутлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Ушбу масалада, В.М. Абросимова ва бошқа бир гуруҳ олимларнинг қайд этишича, айрим ҳолларда экспертиза объектлари йўқолиши ёки шикастланиши ҳолатлари учраб туради, бу эса такрорий экспертиза ўтказиш имкониятини чеклаб қўяди [3, С. 1585].

Мазкур фикрга қисман қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, амалиётда экспертиза объектларини сақлаш ва уларнинг бутлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар учраб турибди. Бироқ, бизнингча, муаллифлар бу муаммонинг жиддийлигини бироз бўрттириб кўрсатганлар. Чунки кўпгина ҳолларда экспертиза объектлари тегишли тартибда сақланади ва уларнинг бутлиги таъминланади.

Шунга қарамай, бу масала жиноят процессига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, айрим ҳолларда такрорий экспертиза ўтказиш имконияти йўқолмоқда, бу эса ишнинг тўлиқ ва ҳар томонлама текширилишига тўсқинлик қилади. Экспертиза объектларининг йўқолиши ёки шикастланиши нотўғри хулосалар чиқарилишига олиб келади. Айрим ҳолларда эса жиноят иши тўхтатилишига ёки оқлов ҳукми чиқарилишига сабаб бўлади. Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқ:

- экспертиза объектларини сақлаш ва уларнинг бутлигини таъминлаш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш;

– суд-эксперт муассасаларини махсус сақлаш хоналари билан таъминлаш, замонавий химоя воситаларини жорий этиш;

– экспертиза объектларини сақлаш учун масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

– электрон шаклдаги экспертиза объектларини сақлаш учун махсус ахборот тизимларини жорий этиш.

Иқтисодий экспертизаларни ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш масаласида ҳам амалиётда турлича муаммолар учраб туради. Зеро, Э.Ф. Быкованинг таъкидлашича, кўпинча экспертлар зарур маълумотларни олишда қийинчиликларга дуч келадилар. Бу эса экспертиза сифатига салбий таъсир кўрсатади [5, С. 135].

Фикримизча, мазкур фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки амалдаги қонунчилик экспертларга зарур маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқини беради. Бироқ, шуни тан олиш керакки, айрим ҳолларда бу жараён анча мураккаб кечмоқда. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар:

– айрим ташкилотлар тижорат сири баҳонасида маълумотларни тақдим этишдан бош тортмоқда;

– баъзи ҳолларда эса маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаяпти;

– тақдим этилган маълумотлар тўлиқ ёки аниқ бўлмаяпти.

Бу ҳолат экспертиза муддатлари асоссиз равишда чўзилиб кетишига, айрим ҳолларда эксперт хулосалари тўлиқ ва асосли бўлмаслигига, баъзан эса экспертиза умуман ўтказилмай қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги чораларни кўриш лозим:

– экспертларнинг зарур маълумотларни олиш ҳуқуқини янада кенгайтириш ва бу ҳуқуқни қонунчиликда аниқ мустаҳкамлаб қўйиш;

– маълумотларни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

– давлат органлари ўртасида маълумот алмашинуви тизимини такомиллаштириш;

– экспертлар учун ягона маълумотлар базасини яратиш лозим.

Иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги яна бир муҳим масала – бу экспертиза натижаларининг ишончлилиги ва объективлиги масаласидир. Л.П. Климовичнинг фикрича, айрим ҳолларда эксперт хулосалари субъектив характерга эга бўлиб, етарлича асосланмаган бўлади [9, С. 122].

Фикримизча, мазкур қарашга қисман қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, амалиётда экспертиза натижаларининг ишончлилиги ва объективлиги билан боғлиқ муаммолар учраб туради. Бироқ, бизнингча, бу муаммони умумлаштириб, барча экспертиза натижаларига нисбатан қўллаш нотўғри бўлар эди. Кўпгина ҳолларда экспертлар ўз вазифаларини виждонан ва профессионал даражада бажарадилар.

Шунга қарамай, экспертиза натижаларининг ишончлилиги ва объективлиги масаласи жиноят процессига жиддий таъсир кўрсатади. Хусусан, нотўғри ёки асоссиз эксперт хулосалари асосида айблов хулосалари тузилиши ёки ҳукмлар чиқарилиши ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига, адолатсиз қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин.

Бизнингча, мазкур муаммони ҳал қилиш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Биринчидан, экспертларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун мунтазам равишда ўқув курслари, семинар ва тренинглари ташкил этиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, экспертиза методикаларини такомиллаштириш, уларни замонавий талабларга мослаштириш зарур. Бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, янги инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим.

Учинчидан, экспертларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш керак. Жумладан, экспертнинг фаолиятига ноқонуний

аралашганлик учун жавобгарликни кучайтириш, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада аниқлаштириш лозим.

Тўртинчидан, экспертиза натижаларини текшириш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун эксперт хулосаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда такрорий ёки қўшимча экспертизалар тайинлаш амалиётини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бошқа бир долзарб масала иқтисодий экспертизалар ўтказишда халқаро тажрибани қўллаш билан боғлиқ. Е.Р. Россинская ва Е.И. Галяшинанинг таъкидлашича, айрим ҳолларда иқтисодий экспертизаларни ўтказишда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба етарлича қўлланилмайди [18, С. 138].

Бизнингча, глобаллашув ва иқтисодий интеграция шароитида, ҳақиқатан ҳам, халқаро стандартларни қўллаш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу нафақат экспертиза сифатини оширишга, балки халқаро ҳамкорликни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Бизнингча, бу йўналишда куйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодий экспертизалар соҳасидаги халқаро стандартларни ўрганиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарур. Бу жараёнда, албатта, миллий хусусиятлар ва амалиёт инобатга олиниши керак;

- хорижий давлатларнинг иқтисодий экспертизалар ўтказиш бўйича илғор тажрибасини ўрганиш ва қўллаш лозим. Бунинг учун халқаро конференциялар, семинарлар ўтказиш, хорижий экспертлар билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

- иқтисодий экспертизалар соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий экспертлар ва экспертиза муассасалари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш керак. Бу айниқса, трансмиллий иқтисодий жиноятларни тергов қилишда муҳим аҳамият касб этади;

- экспертларни хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини ўрганишга рағбатлантириш лозим. Бу уларга халқаро тажрибани ўрганиш, хорижий ҳамкасблар билан мулоқот қилиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги муаммоларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор долзарб масалалар мавжуд:

1. Иқтисодий экспертизаларнинг ягона таснифи мавжуд эмаслиги муаммоси диққатга сазовордир. Бу ҳолат амалиётда жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Иқтисодий экспертизаларнинг барча турларини қамраб олувчи ягона таснифни ишлаб чиқиш ва уни қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

2. Экспертиза тайинлашда тарафларнинг субъективизми ва ўзига фойдали бўлган саволларни қўйишга интилиши муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун экспертиза тайинлашда мутахассисларнинг маслаҳатларидан фойдаланиш таклиф этилади.

3. Экспертларнинг етарли тажриба ва кўникмаларга эга эмаслиги муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун ёш мутахассислар учун мажбурий вебинарлар ва курслар ташкил этиш, экспертларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш таклиф этилади.

4. Экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларнинг етарли эмаслиги ёки сифатсизлиги муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун терговчи ва суриштирувчиларнинг иқтисодий билимларини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш таклиф этилади.

5. Иқтисодий экспертизаларни ўтказиш методикаларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун иқтисодий экспертизаларнинг барча турлари бўйича батафсил услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур.

6. Экспертларнинг мустақиллиги масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал қилиш учун экспертларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириш лозим.

7. Экспертиза ўтказиш муддатлари билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш,

малакали экспертлар сонини кўпайтириш, экспертиза тайинлаш тартибини такомиллаштириш таклиф этилади.

8. Иқтисодий экспертизалар хулосаларининг сифати масаласи долзарб ҳисобланади. Бу муаммони ҳал қилиш учун экспертларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, экспертиза методикаларини такомиллаштириш, экспертиза учун зарур материалларни тўлиқ тўплаш ва тақдим этиш бўйича чоралар кўриш лозим.

9. Экспертиза хулосаларини баҳолаш муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун терговчи, суриштирувчи ва судьяларнинг иқтисодий билимларини ошириш, эксперт хулосаларини баҳолаш бўйича батафсил услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш таклиф этилади.

10. Иқтисодий экспертизалар ўтказишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун экспертларни замонавий ахборот технологиялари бўйича ўқитиш, суд-экспертиза муассасаларини замонавий техника билан жиҳозлаш, рақамли далилларни текшириш бўйича янги методикалар ишлаб чиқиш лозим.

11. Экспертиза объектларини сақлаш ва уларнинг бутлигини таъминлаш муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш, махсус сақлаш хоналарини ташкил этиш, масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш таклиф этилади.

12. Иқтисодий экспертизалар соҳасида халқаро тажрибани қўллаш муаммоси мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш учун халқаро стандартларни ўрганиш ва қўллаш, хорижий тажрибани ўрганиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун комплекс ёндашув, қонунчиликни такомиллаштириш, экспертларнинг малакасини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш талаб этилади. Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий экспертизаларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга, пировардида эса иқтисодий жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сагитдинова З.И. Судебно-экономическая экспертиза: актуальные проблемы и пути их решения // Правовое государство: теория и практика. 2018. №4. С. 133-137. (Sagitdinova Z.I. Forensic economic examination: actual problems and ways to solve them // The rule of law: theory and practice. 2018. No. 4. pp. 133-137.)
2. Туримбетов Р., Каландарова М. ва Қурбонов Н. Суд экспертизаси: саволларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари. Қўлланма. Тошкент – 2021. 103-бет. (Turimbetov R., Kalandarova M. and Qurbonov N. Forensic examination: important aspects of formulating questions. Manual. Tashkent - 2021. 103 pages.)
3. Абросимова В.М., Дроздов М.С., Печерица Е.В. Актуальные проблемы назначения и проведения судебно-экономической экспертизы // Здоровье – основа человеческого потенциала: проблемы и пути их решения. 2022. С. 1583-1589. (Abrosimova V.M., Drozdov M.S., Pecheritsa E.V. Actual problems of appointment and conduct of forensic economic examination // Health - the basis of human potential: problems and ways to solve them. 2022. pp. 1583-1589.)
4. Муаллифлар жамоаси: Узаков У., Қолқанов Н., Астанов И., Солиева Н., Аббаровна Н., Чуряков Э., Ахмедова Р., Рустемов Я., Пак А., Махмудова З., Ўрозматов Ш., Махкамов М., Халилова Н., Сайтова Н., Атаниязов Д., Гофуржонов А. Суд-экспертизаси хулосасининг холислиги, илмий асосланганлиги ва қонунийлигини баҳолаш бўйича мисолларни киритган ҳолда турли соҳалардаги суд экспертизалари хулосалари акс этган. Электрон ўқув қўлланма. Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ, 2022. 384-бет. (Team of authors: Uzakov U., Kolkanov N., Astanov I., Solieva N., Abrarova N., Churyakov E., Akhmedova R., Rustemov Ya., Pak A., Mahmudova Z., Urozmatov Sh., Makhkamov M., Khalilova N., Saitova N., Ataniyazov D., Gofurzhonov A. Reflecting the conclusions of forensic examinations in various fields, including examples for assessing the impartiality,

- scientific validity and legality of the forensic report. Electronic study guide. RSEM named after Kh. Sulaimonova, 2022. 384 pages.)
5. Быкова Э.Ф. Проблемы и пути их решения при назначении судебно-экономической экспертизы в уголовном судопроизводстве // Правовое государство: теория и практика. 2018. №4. С. 133-137. (Bykova E.F. Problems and ways to solve them when appointing a forensic economic examination in criminal proceedings // The rule of law: theory and practice. 2018. No. 4. pp. 133-137.)
 6. Гольцев Д.С., Пименова Д.А. Проблемы назначения и производства судебных экономических экспертиз // Вестник экономической безопасности. 2021. №3. С. 144-147. (Goltsev D.S., Pimenova D.A. Problems of appointment and production of forensic economic examinations // Bulletin of Economic Security. 2021. No. 3. pp. 144-147.)
 7. <https://sudex.uz/?p=6338#>
 8. Nabiev, G. 2023. Ways of development of forensic expertise in criminal proceedings. Society and Innovation. 4, 8/S (Oct. 2023), 189–195. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss8/S-pp189-195>. (Nabiev, G. 2023. Ways of development of forensic expertise in criminal proceedings. Society and Innovation. 4, 8/S (Oct. 2023), 189-195. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss8/S-pp189-195>.)
 9. Климович Л.П. Научные основы современной судебной экономической экспертизы. М., 2015. С. 120. (Klimovich L.P. Scientific foundations of modern forensic economic examination. Moscow, 2015. p. 120.)
 10. Савицкий А.А. Ошибки при производстве судебных экономических экспертиз // Судебная экспертиза: типичные ошибки / под ред. Е.Р. Россинской. М.: Проспект, 2016. С. 493. (Savitsky A.A. Errors in the production of forensic economic examinations // Forensic examination: typical errors / ed. by E.R. Rossinskaya. Moscow: Prospekt, 2016. p. 493.)
 11. Печерица Е.В., Григоренко М.А. Судебная экономическая экспертиза. Санкт-Петербург, 2019. С. 87. (Pecheritsa E.V., Grigorenko M.A. Forensic economic examination. St. Petersburg, 2019. p. 87.)
 12. Мўминов Б. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018. – Т.: – 14-бет. (Muminov B. Improvement of the use of special economic knowledge in pre-trial proceedings. 12.00.09 - Criminal procedure. Criminalistics, operative-search law and forensic examination specialty abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences. Tashkent - 2018. - T.: - 14 pages.)
 13. Muminov, B. (2017). Мутахассис хулосасининг далилий аҳамияти. O‘zbekiston Qonunchiligi Tahlili, (1), 81–83. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/13024 (Muminov, B. (2017). Evidentiary significance of expert opinion. Analysis of Uzbek Legislation, (1), 81-83. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/13024)
 14. Антонова Т.К., Чайка В.Н. Правовые проблемы, порождаемые вследствие законодательного неурегулирования, в сфере формирования вопросов для проведения судебной экспертизы // Право. Безопасность. Чрезвычайные ситуации. 2020. № 4(49). С. 65-69. (Antonova T.K., Chaika V.N. Legal problems arising due to legislative non-regulation in the sphere of forming questions for conducting forensic examination // Law. Security. Emergency situations. 2020. No. 4(49). pp. 65-69.)
 15. Савицкий А.А. Ошибки при производстве судебных экономических экспертиз // Судебная экспертиза: типичные ошибки / под ред. Е.Р. Россинской. М.: Проспект, 2016. С. 495. (Savitsky A.A. Errors in the production of forensic economic examinations // Forensic examination: typical errors / ed. by E.R. Rossinskaya. Moscow: Prospekt, 2016. p. 495.)
 16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон). (Criminal Procedure

- Code of the Republic of Uzbekistan // (National Database of Legislative Information, 28.02.2024, No. 03/24/915/0160).)
17. Zulfiqorov A. The legal nature of the evaluation of forensic reports // Journal of Fundamental Studies. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 115-122. <https://imfaktor.com/index.php/jofs/article/view/462>. (Zulfiqorov A. The legal nature of the evaluation of forensic reports // Journal of Fundamental Studies. - 2023. - Vol. 1. - No. 1. - pp. 115-122. <https://imfaktor.com/index.php/jofs/article/view/462>.)
 18. Россинская Е.Р., Галяшина Е.И. Настольная книга судьи. Судебная экспертиза. М.: Проспект, 2016. С. 134. (Rossinskaya E.R., Galyashina E.I. Handbook of a judge. Forensic examination. Moscow: Prospekt, 2016. p. 134-138.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 2/3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000